



O'zbekiston Respublikasi Xorazm viloyati 221200 Yangibozor shaharchasi
Ўзбекистон Республикаси Хоразм вилояти 221200 Янгибозор шаҳарчаси Тел: 41-94-256

2020 йил " 5 " май

№ 1054

Янгибозор шаҳарчаси

Янгибозор туманидаги Оёқдўрман қишлоғи ҳудудидан "Mobile Service System" масъулияти чекланган жамиятига замонавий типдаги (экин ер майдонига экиладиган) иссиқхона қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида

"Mobile Service System" масъулияти чекланган жамияти раҳбарининг Янгибозор туманидаги Оёқдўрман қишлоғи ҳудудидан замонавий типдаги (экин ер майдонига экиладиган) иссиқхона қурилиши учун ер майдони ажратиш беришни сўраб ёзган ёзишмасини ҳамда туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимининг хулосасини, вилоят Архитектура ва қурилиш бош бошқармасининг хулосасини, вилоят Табиатни муҳофаза қилиш қўмитасининг хулосасини, туман СЭО марказининг хулосасини, туман ФВ бўлимининг хулосасини ҳамда ушбу юзасидан, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг далолатномаси, хулосаси ва баённомасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилдаги Хоразм вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлари, Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги корхона, ташкилот ва фермер хўжаликларига оид бўлмаган бошқа эҳтиёжлар учун ер участкалари ажратиш масалаларини кўриб чиқиш бўйича вилоят комиссиясининг баёни ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 5 июлдаги 467-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 6-моддаси, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунининг 10-моддасига асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг "Mobile Service System" масъулияти чекланган жамиятига Оёқдўрман қишлоғи ҳудудидан қишлоқ хўжалик ер харитасининг 687к-контуридан 2,2 гектар замонавий типдаги (экин ер майдонига экиладиган) иссиқхона қурилиши учун 42 балл бонитетли экин ер майдони вақтинча фойдаланиш (30 йил муддат)га ажратиш тўғрисидаги далолатномаси, хулосаси ва баённомаси маъқуллансин.

2. "Mobile Service System" хусусий корхонасига Оёқдўрман қишлоғи қишлоқ хўжалик ер харитасининг 687к-контуридан 2,2 гектар ер майдони замонавий

типтаги (экин ер майдонига экиладиган) иссиқхона қурилиши учун 42 балл бонитетли экин ер майдони вақтинча фойдаланиш (30 йил муддат)га ажратиб берилсин.

3. "Mobile Service System" хусусий корхонасига;

- лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлатишда тегишли корхона ташкилотлардан хулосалар олиш вазифаси юклатилсин.

- мазкур қарор АРТ-1, АРТ-2 ва қурилиш лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлатиш учун асос бўлиб, қурилиш ишларини амалга ошириш учун асос бўла олмаслиги эслатиб ўтилсин;

- Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 36-моддаси 10-қисмига мувофиқ

2 йил мабойнида ажратилаётган ер майдонидан белгиланган мақсадда фойдаланилмаганда ва бошқа мақсадда фойдаланилганда қабул қилинган қарор ўз кучини йўқотиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

4. Туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси (Р.Рахимов)га Вилоят ҳокимининг қарори қабул қилингандан кейин 2(икки) кунлик календарь иш кунида ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказиш вазифаси юклатилсин.

5. Туман ер ресурслари ва ва давлат кадастри бўлими (Р.Рахимов)га ажратиб берилган ер майдонини ўз жойида (натурада) далолатнома асосида белгилаб бериш ва ер ҳисоботига ўзгартириш киритиш, туман архитектура ва қурилиш бўлими (О.Давлетов)га ушбу қурилишни шаҳарсозлик норма ва қоидалари асосида қурилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.

6. Ушбу қарор Халқ депутатлари Янгибозор туман Кенгашининг навбатдаги сессияси тасдиғига киритилсин.

7. Мазкур қарорнинг тасдиғи вилоят ҳокимлигидан сўралсин.

8. Ушбу қарор топшириқларининг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Б.Тўлиев зиммасига юклатилсин.

Янгибозор туман ҳокими



У.Курбанов